

СЕМИЗЛИККА ЧАЛИНГАН АЁЛЛАРДА LEP ГЕНИНИНГ G2548A ПОЛИМОРФИЗМИ АЛЛЕЛ ВА ГЕНОТИПЛАРИНИ УЧРАШ ДАРАЖАСИ

Р.К.Дадабаева, Ф.Н.Мирзаева

Тошкент давлат тиббиёт университети, Тошкент, Ўзбекистон

Долзарблиги. Жахонда семизлик ва метаболик синдромнинг юзага келишида генетик омилларнинг тутган ўрнини баҳолашга қаратилган қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўзбек миллатига мансуб фертил ёшдаги аёллар орасида семизлик ва метаболик синдром шаклланишининг патогенетик асосларини аниқлаш, патогенетик аҳамиятга эга бўлган ген полиморфизмлари, жумладан, лептин (LEP) ва унинг рецепторларини (LEPR) кодловчи генларнинг мос равишда G2548A полиморфизмларини метаболик асоратланган семизлик (МАС) аниқланган фертил ёшдаги аёлларда тарқалганлигини асослаш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли мазкур муаммога оид илмий изланишлар ҳозирги вақтда долзарб бўлиб қолмоқда.

Изланишнинг мақсади. Ўзбек миллатига мансуб туғруқ ёшидаги аёллар (ТЁА) орасида МАСда генлар полиморфизмини тутган ўрнини баҳолаш.

Материал ва усуллар. Илмий изланиш Тошкент шаҳрининг 15-49 ёшли ўзбек миллатига тегишли 224 та аёл иштирокида ўтказилди. Беморларда умумклиник текширувлар ва лаборатор таҳлиллар ўтказилиб, шу билан бирга, лептин (LEP) ва унинг рецепторларини (LEPR) кодловчи генларнинг мос равишда G2548A полиморфизмлари ўрганилди.

Олинган натижалар таҳлили. Тадқиқотимизнинг ушбу босқичида семизликнинг фенотиплари шаклланишида номзод генларни аҳамиятини ўргандик. Кузатувдаги МАС гуруҳида LEP генининг G2548A полиморфизмини GG, GA ва AA генотиплари учраш сони аниқланганда, уларнинг тарқалганлиги мос равишда 48,1, 37,6 ва 14,3% ни ташкил этди. Назорат гуруҳида эса G2548A полиморфизмининг генотиплари 22,2% – GG, 35,6% – GA ва 42,2% – AA шаклида учради. Ушбу гуруҳда G2548A полиморфизмининг A аллели 33,1%, G аллели эса 66,9% ҳолатларда учраган бўлса, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткичлар тескари нисбатда, яъни A аллели 60,0%, G аллели 40,0% ҳолларда аниқланди

МАС гуруҳида G аллел [$\chi^2 = 19,2$; нисбий муносабат (OR) – 3,0; 95% ишонч оралиғи (С.І.) – 1,853 – 4,968; $p < 0,001$] ва GG генотип [$\chi^2 = 8,3$; OR – 3,2; С.І. – 1,487 – 7,087; $p=0,005$] назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда мос равишда (40,0 га қарши 66,9%) 1,7 ва (22,2 га қарши 48,1%) 2,2 баробар

кўп учраб, улар иштирокида метаболик асоратланган семизлик ривожланиш эҳтимоли ишончли даражада юқорилиги маълум бўлди. А аллел [$\chi^2=20,0$; OR – 0,3; C.I.– 0, 201 – 0,540; $p < 0,001$] ва AA генотип [$\chi^2=14,0$; OR– 0,2; C.I.– 0,106 – 0,490; $p<0,001$] МАС гуруҳида назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда мос равишда (60,0 га қарши 33,1%) 1,8 ва (42,2 га қарши 14,3%) 2,9 баробар кам учради ва уларни МАС юзага келишида ишончли даражада протектив самарага эгаллиги маълум бўлди.

GA генотипини МАС гуруҳида семизлик ривожланишига нисбатан ҳавф омили сифатида уч- раши 0,602 ни, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 0,552 ни ташкил этди, яъни МАС гуруҳида ушбу генотип соғлом шахсларга нисбатан 1,1 баробар кўп учрасада, бу фарқ ишончли эмаслиги қайд этилди ($\chi^2 = 0,004$; OR = 1,1; CI 95%-0,540-2,208; $p = 0,9$).

Шунингдек, G2548A полиморфизмининг G аллелини МАС гуруҳида учраш ҳавфи 2,023 ни, назорат гуруҳида 0,667 ни ташкил этди ва бу ушбу аллелни МАС гуруҳида соғлом шахсларга нисбатан 3,0 баробаргача ишончли даражада кўп учраши ва уни МАС ривожланишига нисбатан ишончли агрессив ҳусусиятга эгаллигини билдиради ($\chi^2 = 19,2$; $p < 0,001$).

Ушбу полиморфизмининг А аллелини учраш ҳавфи МАС гуруҳида 0,494, назорат гуруҳида 1,500 ни ташкил этди ва бу ушбу аллелни соғлом шахсларда МАС аниқланган беморларга нисбатан 3,0 баробаргача ишончли даражада кўп учраши ва уни МАС ривожланишига нисбатан ишончли протектив ҳусусиятга эгаллигини англатади ($\chi^2 = 20,0$; $p < 0,001$).

МСС гуруҳида LEP генининг G2548A полиморфизмини GG, GA ва AA генотиплари учраш сони аниқланганда, уларнинг тарқалганлиги мос равишда 33,0, 36,3 ва 30,7% ни ташкил этди.

Хулосалар. Олинган маълумотлардан хулоса қиладиган бўлсак, метаболик асоратланган семизлик мавжуд бўлган ўзбек миллатига тегишли туғруқ ёшидаги аёлларда LEP гени G2548A полиморфизмининг G аллели ва GG генотипини ташувчиларда ТВИ юқори бўлиши, уларни ТВИ ошиши ҳамда МАС ривожланишига агрессив таъсир қилиши, А аллели ва AA ҳамда GA генотиплари семизликнинг I ва II даражасида унинг III даражасига нисбатан кўпроқ учраганлиги, ушбу аллел ва генотипларни ТВИ ошишига нисбатан протектив самарага эгаллигини билдиради.